



«ТАСДИҚЛАЙМАН»

“Тұрақұрғон туман халқ таълими бўлими”

мудири;

Н.Тұхтаназаров

Наманган вилояти Тұрақұрғон тумани Ибрат МФЙда жойлашган “60-умумтаълим мактаби” биносида бажариладиган жорий таъмирлаш ишларини бажарувчи корхонани саралаш бўйича

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

1. Умумий маълумотлар

1.1 . Буюртмачи

“Тұрақұрғон туман халқ таълими бўлими”

Манзил:

Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти,

Тұрақұрғон тумани

Мудир:

Н.Тұхтаназаров

1.2. “Тұрақұрғон тумани халқ таълими бўлими”нинг энг яхши таклиф танлаш комиссияси томонидан пудратчи ташкилот субъекти аниқланади.

1.3. Танловнинг максимал қиймати: жами қўрсатилган хизмат учун Тұрақұрғон туман халқ таълими бўлимига қарашли 60- умумтаълим мактаби биносида бажариладиган жорий таъмирлаш хизмати билан 65 814 110 сўм қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.4. Буюртмачи томонидан талаб қилинадиган хизматлар тури техник топшириқ иловада рус тилида келтирилган.

2. Танлов мақсади.

2.1. “Наманган вилояти Тұрақұрғон туман Ибрат МФЙда жойлашган “60-сонли умумтаълим мактаби” биносини жорий таъмирлаш ишларини бажарувчи корхонани саралаш бўйича

3. Танлов иштирокчилари.

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар ҳар қандай юридик шахс, шу жумладан, кичик бизнес субъектлари ҳам иштирок этиши мумкин. 4.4.-бандда келтирилган тадбиркорлик субъектлари бундан мустасно.

4. Ижрочига бўлган талаб.

4.1. Ижрочи давлат рўйхатидан ўтган, мазкур хизматни кўрсатиш бўйича тегишли руҳсатномага эга бўлиши, “Тўрақўргон тумани Ибрат МФЙда жойлашган 60-сонли умумталим мактаби” биносида жорий таъмирлаш ишларини бажариши лозим.

4.2. Ижрочи кўрсатиладиган хизматни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаши лозим.

4.3. Иштирокчи танловда иштирок этиш учун, танлов ҳужжатлари талабларига мувофик куйидаги ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этиши лозим:

- Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувохнома, лицензия ва мазкур ишларни бажариш бўйича руҳсат берувчи ҳужжатлар нусхалари;
- Мавжуд техникалар, маҳсус ихтисослаштирилган асосий воситалар тўғрисида маълумот;
- хизмат кўрсатиш учун тегишли идоралардан руҳсат олинганлиги тўғрисида ҳужжатлар.

4.4. Куйидаги тадбиркорлик субъектларига танловда иштирок этишга руҳсат берилмайди:

- қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкродлик босқичида;
- инсофизиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритилган;
- солик ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлган.

4.5. Иштирокчи куйидаги ҳолларда танловдан четлаштирилади:

- иштирокчи бевосита ёки билвосита буюртмачининг танловда иштирокчиларни танлашда масъул бўлган шахслар билан ноқонуний келишувлар орқали қарор натижасини ўз фойдасига ҳал қилиниши учун таъсир ўтказувчи харакатларни амалга оширилганда;
- иштирокчининг қонунчиликка зид бўлган адолатсиз рақобат ёки афзалликларга эга бўлса.

5. Бошқа шартлар.

5.1. Тўлов шартлари: Ижрочи томонидан кўрсатилган хизмат бўйича ҳар ойнинг 5 санасига қадар ўтган ой учун ҳисоб-варақ фактура тақдим этилиши лозим.

5.2. Буюртмачи томонидан тўловлар, ҳисоб-варақ фактура тақдим этилган санадан бошлаб 3 ой давомида амалга оширилади.

Илова

Күрсатилиши лозим бўлган хизмат

| Хизмат тури | Хизмат сони |
|--|-----------------|
| Наманган вилояти Тўракўғон тумани Ибрат МФЙда жойлашган “60-сонли умумтаълим мактаби” биносини жорий таъмирлаш ишларини бажарувчи корхонани саралаш бўйича | Жорий таъмирлаш |